



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TURIZM VA SPORT VAZIRLIGI
O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI**

**"JISMONIY TARBIYA, SPORT MASHG'ULOTLARI NAZARIYASI VA
USLUBIYATINING NAZARIY-AMALIY MUAMMOLARI"
XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMAN**

2022 yil 29 yanvar

**МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ
"ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ - ПРАКТИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ТЕОРИИ И
МЕТОДИКИ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ, СПОРТА"
29 январь 2022 год**

**THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
"THEORETICAL AND PRACTICAL PROBLEMS OF THEORY AND
METHODOLOGY OF PHYSICAL EDUCATION AND SPORT"
January 29, 2022**

2. Мутахассислар суръатчи боксчиларда ҳаракатларнинг ҳар хил белгиларини бошқалардан олдин кўра билиш қобилиятини, портловчи кучни шакллантиришнинг мухимлигини кўрсатишади.

3. Ўйинчи боксчиларга сигналга тезкор реакция қилиш қобилиятини, ўзгарувчан ҳолатга мослашиш қобилиятини, ҳаракатларнинг ҳар хил белгиларини бошқалардан олдин кўра билиш қобилиятини ривожлантириш мухим.

Адабиётлар:

- 1.<http://cribs.me/fizicheskaya-kultura/sportivnaya-orientatsiya-i-otbor-v-sporte-etapy-otbora-kriterii-otbora>
- 2.<http://www.fizkult-ura.ru/node/1299>
- 3.<http://www.fizkult-ura.ru/node/1303>
- 4.www.fizkult-ura.ru
5. Каримов М.А., Халмухамедов Р.Д. ва б. Bokschilarining sport-pedagogik mahoratini oshirish. Тошкент: “Lider Press”, 2011. - 471 б.
6. Мокеев Г.И., Ширяев А.Г. Новое в теории и методике бокса. Монография /Уфимск. Гос. авиац. Техн. Ун-т. – Уфа, 2007. – 67 с.
7. Морозов О.С. О тестировании общей физической подготовленности детей 11-13 лет на этапе ранней спортивной специализации в боксе //Сб. науч. тр. молодых ученых /Под общ. ред. В.В. Ермакова. – Смоленск: СГИФК, 2011. – Вып. 8. – С. 62-65.
8. Филимонов В.И., Нигмедзянов Р.А. Бокс, кикбоксинг, рукопашный бой. – М.: ИНСАН, 2009. – С. 39-44.
9. Халмухамедов Р.Д. Бокс: Ўқув кўлланма.-Тошкент: “Lider Press”.- 315Б.

ФУТБОЛ ЎЙНИДА ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИК АҲАМИЯТИ

Хабибуллаев С.Х.- катта ўқитувчи

Анарбаев Д.К.- магистрант

Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти

Чирчик, Ўзбекистон

e-mail: sxabibullayev@cspi.uz.

Калим сўзлар: Хужум ва ҳимоя ҳаракатлари , тактик фикрлаш, тактик тизимлар, жамоавий ўйин, групҳи, индивидуал, ўзаро ҳаракатлар бирлиги.

Ключевые слова: Наступательные и оборонительные действия, тактическое мышление, тактические системы, командная игра, группа, личность, единица взаимодействия.

Keywords: Offensive and defensive actions, tactical thinking, tactical systems, team play, group, individual, interaction unit.

Долзарблиги. Сўнгги йилларда ҳалқимизнинг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни шакллантириш, миллионлар ўйини бўлган ва мамлакатимизда алоҳида ўрин тутадиган спортнинг футбол турига аҳолини, айниқса, ёшларни кенг жалб этиш бўйича бир катор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 04 декабрдаги “Ўзбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887 фармонида бугунги кунда мамлакатимизда юқори иқтидорга эга бўлган ёш футболчиларни танлаш, саралаб олиш (селекция) тизими ва футбол инфратузилмасини янада ривожлантириш, футбол бўйича спорт мактаблари фаолиятини янги босқичга кўтариш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тизимини яхшилаш, ўtkазилаётган мусобақалар савиясини юксалтириш каби масалалар долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда [1].

Футбол ҳақиқий атлетик ўйиндир. У тезлик, чакконлик, чидамлилик, куч ва сакровчанлик каби хусусият-ларнинг ривожланишига ёрдам беради. Ўйин давомида футболчи ўта юқори юкламадги

ишни бажаради ва бу нарса, ўз навбатида, инсоннинг функционал имкониятлари даражасини оширади ақлий-иродавий сифатларни тарбиялайди. Ўйин жамоавий курашнинг мураккаб вазиятида ўтади. Бунда ҳар бир жамоа энг яхши натижага эришиш учун барча билим ва имкониятларини ишга солади. Ўйин негизида ўйинчилари ягона ғалаба мақсадида бирлашган икки жамоанинг кураши ётади. Футбол ўйини давомида ҳар бир ўйинчи ўзининг шахсий фазилат (сифат)ларини кўрсатиш имкониятига эга, лекин шу билан бир қаторда ўйин ҳар бир футболчининг шахсий интилишларининг умумий мақсадга бўйсунишини талаб этади. Шунинг учун футбол ўйинида тактик фикрлаш, тактик билимлар жуда мухим ҳисобланади [2].

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳужум ва ҳимоя тактик ҳаракатларини мақсадга эриштира оладиган энг қулай восита, усул ва шаклларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Тадқиқотни ташкил қилишда қўйидаги вазифалар белгиланади:

1. Жамоа рақибга нисбатан тўғри тактикани танлашда қандай омиллар мухим эканлигини ўрганиш.

2. Ғалабага олиб келувчи тактик режалар ва тактик тизимларни ўрганиш.

Тадқиқот услублари. Илмий-услубий адабиётлар ва статистик маълумотларни таҳлил этиш, анкета сўровномаси ва математик-статистик таҳлил. услублари.

Футболда ўйинида тактика деганда ўйинчиларнинг рақиб устидан ғалаба қозонишга қаратилган индивидуал ва жамоавий ҳаракатларини ташкил қилиши, яъни команда футболчиларининг муайян режага биноан айнан шу муайян рақиб билан муваффақиятли кураш олиб боришига имкон берадиган биргаликдаги ҳаракатларини тушуниш керак. [2].

Тактиkadagi асосий вазифа ҳужум ва ҳимоя ҳаракатларининг мақсадга эриштира оладиган энг қулай восита, усул ва шаклларини белгилашдан иборатdir.

Қандай тактикани танлаш ҳар бир алоҳида ҳолда команда олдида турган вазифаларга, кучлар нисбати ва ўйинчиларнинг ўзаро курашувчи гурухларига, майдоннинг аҳволига, иқлим шароити ва ҳоказоларга боғлиқ. Футбол ўйини кўп мартараб ҳужумдан ҳимояга ва ҳимоядан ҳужумга ўтишдан иборат бўлгани учун ҳам, табиийки, ҳар қайси команданинг ҳужум ва ҳимоя ҳаракатлари уюшган бўлиши керак.

Тактика учрашув вактида бутун ўйин фаолиятининг асосий мазмуни ҳисобланади. Конкрет рақибга қарши тўғри танланган кураш тактикаси муваффақият қозонишга ёрдам беради, нотўғри танланган ёки учрашув мобайнида аскотмаган тактика эса одатда мағлубиятга олиб келади.

Рақибларни нейтраллаш вазифаларини тўғри ҳал қила билиш ва ҳужумдаги ўз имкониятларидан муваффақиятли фойдалана олиш умуман команданинг ҳам, унинг алоҳида ўйинчиларининг ҳам тактик етуклигини кўрсатади. Ҳужум ва ҳимояда ҳамма футболчиларнинг ҳаракатлари яхши уюштирилган ҳамда, албатта, фаол бўлгандагина команда муваффақиятга эриша олади.

Мураббий ўйиннинг тактик режасини қандай қилиб тўзган бўлмасин, бу режа алоҳида футболчиларнинг ҳаракатлари билан амалга оширилади. Ана шунинг учун ҳам индивидуал тактик камолотга эришмай туриб, команданинг ўйинини чиройли ва рисоладагидек қиласиган аниқ тактик ҳара-катларни оширишни хаёлга ҳам келтириб бўлмайди.

Футбол ўйинида тактика билан техника бир-бирига чирмасиб кетган бўлади. Тўпни кимга ва қандай узатиш лозим, рақибни доғда қолдириш учун айланиб ўтишни ишлатиш керакми ёки тўпни шерикка оширган маъқулми, дарвозага қайси пайтда зарб бериш зарур эканлигини ҳал қилаётган ўйинчи тактик тафаккурдан фойдаланади, аҳд қилган ҳаракатини амалга ошираётганда эса у техник маҳоратини намойиш этади. Демак, техника ўйинчининг техник режаларини амалга ошириш воситаси бўлиб хизмат қиласи. Техник тайёргарлик аъло даражада бўлсагина хилма-хил тактик ҳаракатларни бажариш мумкин.

Тенг кучли командалар учрашувида улардан бирининг ғалабасига кўпинча мағлуб бўлганларда ироданинг камлик қиласиги ёки жисмоний ва техник тайёргарлик бўш бўлгани сабаб қилиб кўрсатилади. Бироқ футбол ўйинидаги ғалаба аксарият ҳолларда тактик режалар кураши билан

белги-ланади. Тактика икки команданинг жисмоний, техник ва маънавий-иродавий тайёгарликдаги даражалари тенг бўлганда, улардан бирининг ғалаба қилишини таъминлаб берадиган муҳим омилдир. Йирик мусобақалардаги кўплаб мисоллар шундан далолат беради.

Усталик билан ишлатилган тактиказига муваффақият келтира олади. Баъзан командалар ҳар қандай рақибга қарши ўйнаганда ҳам бир хил тактика ишлатаверадилар. Тактик жиҳатдан бундай қашшоқлик, бир хиллик маҳо-ратнинг ўсиб боришига тўсқинлик қиласди. Ҳар бир команда, айниқса, юқори даражали команда хилма-хил тактик режада ўйнай билиши керак, бўлмаса у, айрим ютуқлари бўлишига қарамай, мусобақаларда катта ғалабага эриша олмайди.

Ўкув-тренировка жараёнида тактик тайёргарликка жиддий эътибор берилади. Ҳар бир ўйинчи ва, умуман, команда ҳаракатларнинг хилма-хил вариантларини мукаммал эгаллаган бўлиши керак.

Хужум ҳаракатлари билан ҳимоя ҳаракатларининг доимий кураши натижасида ўйин тактикаси узлуксиз такомиллашиб боради. Худди ана шу кураш футбол тактикаси тараққиётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади [2,3,4].

Биз ҳозирги кунга футбол мусобақаларида қатнашиш учун ўйинга жамоани тушуришдан олдин ўйиннинг тактик режасини тузиб, ўйинчиларнинг вазифаларини тушунтириб кейин жамоани майдонга тушурдик. Биз тактикани тузишда қандай омилларга эътибор бериш кераклигини аниқлаш мақсадидаша БўСМ футбол мураббийлари ўртасида ўйин тактикасига оид тезкор сўровнома ўтказдик.

Сўровномада Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги БўСМ футбол мураббийларидан 5 нафари қатнашдилар. Бу сўровномада футбол ўйини тактикасига оид 6 та савол ўртага ташланиб муҳокама қилинди.

Анкета сўравномаси бўйича маълумотлар

1-жадвал

Савол	Ха	Йўқ
1. Рақибга нисбатан тактика танлаганда иқлим шароити муҳим ҳисобланадими?	70%	30%
2. Тактика танлаганда рақиб кучига қараб тактикани танлаш муҳим ҳисобланадими?	70%	30%
3. Ҳар хил тактик режаларни амалга оширишда ўйинчининг техникаси муҳим ҳисобланадими?	60%	40%
4. Футбол ўйинида рақиб билан кучлар тенг келиб қолганда ғалаба тўғри қўйилган тактиказига боғлиқми?	80%	20%
5. Жамоа йирик ҳисобда голиб бўлиб турганида $1+4+5+1$ ёки $1+4+4+2$ тактик системасига ўтиб ўйнаши тўғрими?	80%	20%
6. Жамоа йирик ҳисобда мағлубиятга учраб турганида $1+3+4+3$ тактик системасига ўтиб ўйнаши тўғрими?	80%	20%

Ўтказилган анкета сўровномаси шуни кўрсатадики, Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги БўСМ футбол мураббийлари 1-саволга 7 нафар мураббий (70%) ха, 3 нафар мураббий (30%) йўқ дея жавоб беришди. 2-саволга эса 7 нафар мураббий (70%) ха, 3 нафар мураббий (30%) йўқ дея жавоб беришди. 3-саволга 6 нафар мураббий (60%) ха, 4 нафар мураббий (40%) эса йўқ жавобини беришди. 4-саволга 6 нафар мураббий (80%) ха, 2 нафар мураббий (20%) эса йўқ деб жавобини беришди. 5-саволга 5 нафар мураббий (80%) ха, 5 нафар мураббий (20%) эса йўқ деб жавобини беришди. Охирги 6-саволга 8 нафар мураббий (80%) ва 2 мураббий (20%) йўқ деб жавоб беришди.

Анкета сўравномаси натижалари

2-жадвал

Савол	Тўғри жавоб		Нотўғри жавоб	
	сони	Фоизи %	сони	Фоизи %
Биринчи савол	7	70%	3	30%
Иккинчи савол	7	70%	3	30%
Учинчи савол	6	60%	4	40%
Тўртингчи савол	8	80%	2	20%
Бешинчи савол	8	80%	2	20%
Олтинчи савол	8	80%	2	20%
Жами	6	73%	10	27 %

Тошкент вилояти Чирчик шаҳридаги БЎСМ футбол мураббийлари футбол ўйини тактикаси бўйича берилган 6 та саволларга 73% тўғри, 27% нотўғри жавоб беришган.

Хулоса. Юқорида баён этилганлардан қўйидагича хулоса чиқариш мумкин, Чирчик шаҳридаги БЎСМ футбол мураббийлари футбол ўйини тактикаси бўйича берилган 6 та саволларга 73% тўғри, 27% нотўғри жавоб беришди. Футбол ўйини тактикаси юзасидан БЎСМ футбол мураббийлари томонидан берилган нотўғри саволларнинг жавоблари БЎСМ футбол мураббийларига тушунтирилиб, услубий ёрдам кўрсатилди. Футбол ўйинида қандай тактикани танлаш ҳар бир алоҳида ҳолда команда олдида турган вазифаларга, кучлар нисбати ва ўйинчиларнинг ўзаро курашувчи гурухларига, майдоннинг аҳволига, иқлим шароити ва ҳоказоларга боғлиқ. Шунинг учун тактика танлашда юқорида кўрсатилган омилларни инобатга олиб тактика танлаш муҳим хисобланади. Тўғри танланган тактика муваффақиятга олиб келади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. 2019 йил 04 декабрдаги “Узбекистонда футболни ривожлантиришни мутлақо янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5887 Фармони
2. Акрамов Р.А. Футбол дарслик: Уқув қўлланма. Уз.ДЖТИ.:2006.- 406 б.
- 3.Акрамов Р.А., Толибжонов А. Юқори малакали футболчиларни тайёрлаш: Уқув қўлланма.-Т.:1994.-130 б.
- 4.Нуримов Р.И. Ёш футболчиларни техник ва тактик тайёрлаш: Уқув қўлланма.:2005.-108 б

ЁШ ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРДА ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИК ВА МАШЃУЛОТ ЖАРАЁНИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Ҳакимов С.Т. мустақил изланувчи,
Фарғона Давлат Университети
Фарғона, Узбекистон
e-mail: s.hakimov@gmail.com.

Калит сўзлар: Ҳаракат сифатлари, морфо-куч омили, тезкор-куч чидамкорлиги, комплекс машқлар, сифат ва миқдор параметрлари, динамик тавсифи

Ключевые слова: Двигательные качества, морфо-силовой фактор, оперативно-силовая выносливость, комплекс упражнений, качественные и количественные параметры, динамическое описание

Keywords: Motor qualities, morpho-strength factor, operational-strength endurance, a set of exercises, qualitative and quantitative parameters, dynamic description

<i>Usmanov Q.K. O'zDJTSU.</i> Yosh tennischilarni tayyorlash amaliyotida harakatli o'yinlarning o'rni	1293
<i>Usmonov M.Q. TerDU. Dostonov A.M. O'zDJTSU.</i> Boksda saralash samaradorligini belgilovchi omillar	1295
<i>Xabibullaev S.X., Anarbaev D.K. TChDPI.</i> Futbol o'yinida taktik tayyorgarlik ahamiyati	1297
<i>Xakimov S.T. FarDU.</i> Yosh voleybolchilarda jismoniy tayyorgarlik va mashg'ulot jarayonini optimallashtirish	1300
<i>Xalmatov T. O'zDJTSU.</i> Sportda salbiy emotsiyonal holatlar va uni oldini olishning psixologik yo'llari	1302
<i>Xalmatov T. O'zDJTSU.</i> Sportchilarda irodaviy sifatlar rivojlanishining psixologik o'ziga xosliklari	1305
<i>Xamidjonov A.U. NamDU.</i> Sport kurashi turlariga saralash va erta yunaltirishda vazn-bo'y ko'rsatkichlarini bashorat qilishning metodologik asoslari	1308
<i>Xasanova G.M., Paxrudinova N.Yu. UzGUFKS.</i> Osobennosti obucheniya bazovim uprajneniyam v ravnovesii v sportivnih vidax gimnastiki	1312
<i>Xaydarov B.S. O'zDJTSU.</i> Nayza uloqtiruvchilarning yillik mashg'ulot yuklamalarini rejalashtirish	1314
<i>Xo'jamkeldiyev G'.S. O'zDJTSU.</i> Chekka hududlarda yengil atletika sportini keng ommalashtirish	1317
<i>Xo'jamkeldiyev G'.S. O'zDJTSU.</i> O'zdjitsu yengil atletika ixtisosligi talabalarini spmo mashg'ulotlarini rejalashtirish (o'rta masofaga yugurchilar misolida)	1319
<i>Xodjamqulov X. O'zDJTSU.</i> Taekvondochilarning umumiy va maxsus jismoniy tayyorgarliklarini takomillashtirish	1320
<i>Xo'janiyozov B.I. O'zDJTSU.</i> Kurash - milliy sport turini o'qitishni takomillashtirish	1323
<i>Xolboev T.Q. O'zDJTSU.</i> Innovatsion texnologiyalar va harakatli o'yinlarni integratsiyalashtirish orqali engil atletikachilarning maxsus tezkorligini oshirish	1326
<i>Xoliqov B.X. O'zDJTSU.</i> Kurash mashg'ulotlarda jismoniy tayyorgarlik masalalari	1327
<i>Xoliqov B.X. O'zDJTSU.</i> Yosh avlodni ma'naviy tarbiyalashda milliy kurashning o'rnnini oshirish haqida	1329
<i>Xoliqov B.X. O'zDJTSU.</i> Kurash sport turlaridagi texnik tayyorgarligidagi usullar tahlili	1330
<i>Xolmatov A.I., Tastanov N.A. O'zDJTSU.</i> Sport kurashida mashg'ulotlarini tashkillashtirishdagi zamonaviy muammolar	1332
<i>Xolmatov A.I. UzGUFKS.</i> Metodika sovershenstvovaniya skorostno-silovoy podgotovki bortsov greko-rimskogo stilya 15-17 let	1334
<i>Xolmirzayev B. B. O'zDJTSU.</i> Bazaviy tayyorgarlik bosqichida ish qobiliyatining hususiyatlari	1336
<i>Xolmurodov L.Z., Xoldorov Sh. O'zDJTSU.</i> Gандbolchilarining o'quv mashg'ulot jarayonini me'yorlashtirish usullari	1339
<i>Xusanbaev A.P., Muxsinov SH.N., Eshto'xtarova S.M. O'zDJTSU.</i> Markaz amplusida harakatlanadigan gандbolchilarning hujum o'yin shkalasi tahlili	1342
<i>Yadgarov B. J. UrDU.</i> Umumta'lim maktablarida engil atletika sport mashg'ulotiga tanlashda xalq harakatli o'yinlardan foydalanish samaradorligi	1346
<i>Yaqubova D.B. UrDU.</i> Gандbol bilan shug'ullanuvchi sportchilarning psixik komponentlarning rivojlanishi	1351
<i>Yoldashov Sh.S., Mamishev O.E., H.A.Jabbarov O'zDJTSU.</i> Yangi avlod chavandozlarini tayyorlashning huquqiy asoslari	1353
<i>Yoqubova O.M. O'zDJTSU.</i> Voleybolchilarining o'yin faoliyatida amalga oshirgan hujum harakatlarini tahlili	1356
<i>Yoqubova O.M. O'zDJTSU.</i> Voleybol o'yin faoliyatida statistik tahlillar samaradorligi	1359